

Тазкия дарслари (80-дарс). Рўзанинг фойдаси



15:32 / 11.04.2020 4862

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашда намоз ва закотдан кейин рўза ибодати келади. Инсонни йўлдан урадиган нарсалар ичида қорин ва жинсий шаҳватлар энг кучлиларидан ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Рўзанинг фойдаларидан бири худди ўша икки шаҳватни жиловлашга хизмат қилишидир. Шунинг учун ҳам рўза нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَصِلَ إِلَى لُبِّ الْوَسْرِ نَأْمِي لُسِّي نَبْنَم لُجْرَ عَنِّي ذَنْ لِي يَحْوَ عَن
عَامُ نَبْ أَوْ يَذْمُ رَّتْ لَأَوْ «...رَبِّ صِلْ لَأَوْ صُنْ مَوْصِلْ أَوْ...» : لَأَق

Журай ан-Наҳдийдан, у Бану Сулаймлик бир кишидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

Иккинчиси: рўза тутиш Аллоҳ таолонинг душмани бўлмиш шайтонга қаҳр қилиш демакдир.

Маълумки, шаҳват ейиш ва ичиш ила қувватланади. Шаҳвати кучли бўлган одамга шайтон ўз амрини ўтказиши осон бўлади. Рўза тутган одамга эса шайтон яқинлаша олмайди. Рўзанинг фойдаларини санаб адоғига етиб бўлмайди.

«Руҳий тарбия» китобидан